**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЮСУПОВ ШУХРАТ АБДУРАСУЛОВИЧ**

# БОЛАЛАРДА АППЕНДИКУЛЯР ТАРҚОҚ ПЕРИТОНИТ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**УЎК: 616-07.089.346.381.053**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of dissertation abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Юсупов Шухрат Абдурасулович**
Болаларда аппендикуляр тарқоқ перитонит диагностикаси ва хирургик даволашни такомиллаштириш…… 3

**Юсупов Шухрат Абдурасулович**
Совершенствование диагностики и хирургического лечения распространенного аппендикулярного перитонита у детей……. 29

**Yusupov Shuhrat Abdurasulovich**
Improving diagnosis and surgical treatment of widespread appendicular peritonitis in children ……. 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works…….. 59

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЮСУПОВ ШУХРАТ АБДУРАСУЛОВИЧ**

# БОЛАЛАРДА АППЕНДИКУЛЯР ТАРҚОҚ ПЕРИТОНИТ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.2.DSc/Tib128 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Шамсиев Азамат Мухитдинович**<br>тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Ормантаев Алмас Камалович**<br>тиббиёт фанлари доктори, профессор<br>**Эргашев Насриддин Шамсиддинович**<br>тиббиёт фанлари доктори, профессор<br>**Акилов Хабибулла Атауллаевич**<br>тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| **Етакчи ташкилот:** | **Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети Олий касбий таълим федерал давлат бюджет муассасаси** |

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (52-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «___»_____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г. Назиров**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**А.Х. Бабаджанов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.В. Девятов**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «ўткир аппендицит туфайли бажариладиган амалиётлар болаларда бажариладиган шошилинч абдоминал амалиётлар орасида етакчилик қилади ва барча хирургик аралашувларнинг 70%ини ташкил этади» [1]. Дунё статистикасига кўра, аппендицит билан умумий касалланиш кўрсаткичи 100 та болага 3 дан 6 гача тўғри келади ва 9-12 ёшда енг чўққисига етади. «Аппендицитнинг деструктив шаклларида перитонит катталарга нисбатан 8 марта, унинг генераллашган шакллари эса маҳаллий турларига нисбатан 2,5 марта кўп учрайди» [2]. Ўткир аппендицит диагностикасида эришилган ютуқларга қарамай, унинг деструктив шакллари частотаси 20% дан 70% гача ривожланади. Замонавий тиббиётнинг муваффақиятлари хирургларга перитонит билан беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишга имкон берувчи бир қатор самарали тадбирларни тақдим этди. Бироқ, амалиётдан кейинги асоратлар сони 10-15% даражасида сақланиб қолиб, камайиш тенденциясига эга эмас. Бундай асоратларнинг ривожланишини прогнозлаш мушкул ва бошқариб бўлмайдиган жараёнлигича қолмоқда. Шу сабабли, аппендицитнинг деструктив шакллари бўлган болаларда хирургик тактикани такомиллаштириш устувор вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Дунё амалиётида ҳозирги кунда перитонитда болалар организмининг антиинфекцион резистентлик (АИР) омиллари, эндоген интоксикациянинг аҳамияти ва характери, касалликнинг асоратланган шаклларида болалар иммун тизими коррекциясининг мавжуд усуллари ва детоксикацион терапия усулларининг самарадорлик масалалари фаол ўрганилмоқда. Болаларда ўткир аппендицит диагностикаси ва даволашдаги ютуқларга, жумладан, ўлим кўрсаткичининг 0,2-0,4% гача анчагина камайганлигига қарамай, кичик ёшдаги болалар гуруҳи ва асоратланган шаклларда бу кўрсаткич ўртача статистик кўрсаткичлардан ўнлаб баробар ортиқни ташкил қилади. Шу сабабли, замонавий ва ҳаммабоп диагностика аппаратурани қўллаган ҳолда болаларда хирургик тактикани яхшилаш аппендицит эрта диагностикасини яхшилаш имконини бериб, яллиғланиш жараёни кечишини прогнозлаш имконини таъминлайди ва асоратлар, шу жумладан, тарқоқ аппендикуляр перитонит (ТАП) ривожланиш сонини камайтиради.

Ватанимиз соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида ўткир абдоминал патология билан болаларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу йўналишда, хусусан, болаларда аппендицитнинг деструктив шакллари диагностикаси ва даволаш натижаларини яхшилаш борасида ҳам муайян ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга,

---

[1] World Health Organization. Global hepatitis report. 2017. http://www.who.int/ hepatitis /publications/global-hepatitis-report2017/en.

[2] Khan R.A., Menon P., Rao KLN. Beware of neonatal appendicitis. J Indian Assoc Pediatr Surg. 2010;15:67–69; Khan Y.A., Zia K. Perforated Neonatal Appendicitis with Pneumoperitoneum. APSP J Case Rep. 2013;4:21.

тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўлида янги диагностика усуллари самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий-асосланган натижалар зарур. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган [1]. Бу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, тарқоқ аппендикуляр перитонит билан болаларни комплекс даволашга принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш йўли билан бу патологияни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985-сон «Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сонли «Жамоат соғлиғи ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2].** Болаларда ТАП диагностикаси ва хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлар ва олий ўқув юртлари, шу жумладан, Surgical Research Collaborative (London, United Kingdom); Boston Children's Hospital of Harvard Medical School (Boston, USA); West China Hospital of Sichuan University (Chengdu,China); Department of Pediatric Surgery, Astrid Lindgren Children's Hospital, Karolinska University Hospital (Stockholm, Sweden); Department of

---

[1] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

[2] Обзор международных научных исследований проведен с использованием следующих источников: Svensson J.F., Patkova B. Nonoperative treatment with antibiotics versus surgery for acute nonperforated appendicitis in children: a pilot randomized controlled trial// Ann Surg. 2015 Jan; 261(1):67-71; Kim D.W., Yoon H.M. Diagnostic performance of CT for pediatric patients with suspected appendicitis in various clinical settings: a systematic review and meta-analysis// Emerg Radiol. 2018 Jul 12.; Child J., Chen X., Mistry R.D. Pharmacokinetic and Pharmacodynamic Properties of Metronidazole in Pediatric Patients With Acute Appendicitis// J Pediatric Infect Dis Soc. 2018 May 16; Hall N.J., Eaton S. Appendectomy versus non-operative treatment for acute uncomplicated appendicitis in children: study protocol for a multicentre, open-label, non-inferiority, randomised controlled trial// BMJ Paediatr Open. 2017 May 18;1(1).; Hutchings N., Wood W. Conservative treatment of appendicitis in children (feasibility): study protocol for a randomised controlled trial // Trials. 2018 Mar 2; 19(1):153; van Rijn RR. Imaging Pediatric Appendicitis: Time to Put the Discussion to Bed? // Radiology. 2018 Mar;286(3):1030-1032.

Radiology, Mayo Clinic (Rochester, USA); Department of Pediatrics, Asan Medical Center, University of Ulsan College of Medicine (Seoul, Korea); Division of General, Thoracic, and Fetal Pediatric Surgery, Department of Pediatrics, Children's Hospital (Colorado, USA); Department of Pediatric Surgery, Children's Hospital, Helsinki University Central Hospital, University of Helsinki (Helsinki, Finland); Developmental Biology & Cancer Programme, UCL Great Ormond Street Institute of Child Health (London, UK); Paediatric Surgery Department, Hôpital Sud, Centre Hospitalier Universitaire, (Rennes, France); Division of PediatricSurgery, Centre Hospitalier Universitaire Sainte-Justine (Montreal, Canada); Н.В. Склифосовский номли тез ёрдам илмий-тадқиқот институти (Москва, Россия), Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва Самарқанд давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

ТАП билан асоратланган аппендицитнинг деструктив шакллари билан болалар диагностикаси ва хирургик даволаш бўйича дунё ўтказилган тадқиқотлар натижасида ушбу дахшатли касалликни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган турли ечимлар таклиф қилинган бўлиб, жумладан: Буюк Британия хирургларининг мислсиз ва кенг қамровли миллий коллаборатив тадқиқотида, шунингдек рандомлаштирилмаган тадқиқотлар мета-анализида диагностика ва хирургик даволаш оғриқ бошланганидан 24 соатдан ортиқроққа кечиктирилса, ТАП ривожланиш ҳавфи юқори бўлиши исботланган (National Surgical Research Collaborative, London, United Kingdom); болалар шошилинч хирургиясидаги муайян ютуқларга қарамай, тарқоқ перитонит билан асоратланган аппендицитнинг деструктив шакллари билан беморларнинг ўлим кўрсаткичи йўл қўйиб бўлмас даражада юқори бўлиб, бундай болаларни олиб боришда илмий асосланган баённомаларга риоя қилиш тавсия қилинади ва бунда даволаш натижалари ишончли равишда яхшиланиши аниқланган (Department of Pediatric Surgery, Children's Hospital, Helsinki University Central Hospital, University of Helsinki, Helsinki, Finland); ўткир аппендицитни антибиотиклар билан консерватив даволаш ва кейинчалик режали аппендэктомия бажариш беморларнинг учдан бир қисмида аппеедикуляр инфильтрат ривожланишига олиб келиши ва қайта хуружларга сабаб бўлиши аниқланган (Division of General, Thoracic, and Fetal Pediatric Surgery, Department of Pediatrics, Children's Hospital, Colorado, USA).

Ҳозирги кунда дунёда аппендицитнинг асоратланган шакллари билан болаларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда, шу жумладан: беморнинг аҳволи оғирлиги, касаллик босқичи ва жараён тарқоқлиги жиҳатдан клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш, ўткир аппендицит билан болаларнинг касалхонага кеч ётқизилишининг асосий сабабларини аниқлаш; эндоген интоксикация ва яллиғланиш синдроми интенсивлигини ҳамда ТАПда болаларда иммун реактивлик ҳолатини аниқлаш; перитонитда қорин парданинг патофорфологик хусусиятларини ўрганиш; аппендицитнинг асоратланган шаклларини даволашда янги лапароскопик технологияларни ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси**. Love BE [1] фикрига кўра, «болаларда ТАП патогенези ва танатогенезида паралитик ичак тутилиши (ПИТ) марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Касаллик кечиктириб юборилган босқичларидаги болаларда ПИТ ривожланса, ўлим кўрсаткичи 30-50%га етади». Ҳозирги кунга қадар ичак декомпрессиясининг энг мақбул усули ва оптимал муддати тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас, энтеро- ва колостомиянинг конкрет модификацияларига аниқ кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар йўқ, уларни бажаришнинг техник жиҳатлари жуда оз ёритилган, амалиётдан кейинги даврда беморларни олиб бориш бўйича аниқ ва мақбул тавсиялар ишлаб чиқилмаган, эҳтимол асоратлар профилактикаси ва даволаш усуллари ёритилмаган (Elgharbawy F. [2], Quezada F. [3]). ТАПда қорин бўшлиғини дренажлашга анъанавий ёндашувларга эҳтиёж тўғрисидаги масала бир қатор жиддий камчиликларга эга бўлиб, тадқиқотлар учун яна бир йўналиш ҳисобланади. Aydin D.[4] фикрига кўра, «ҳатто аспирацион-ювиш дренажлаш мақсадида икки бўшлиқли найчалар қўллаш ҳам бошқа ёпиқ ҳаракатсиз дренаж тизимларга хос бўлган камчиликлардан ҳоли эмас – юбориладиган антисептик эритмалар таъсир соҳасининг чекланганлиги».

Перитонит бўйича кўп сонли тадқиқотлар, диагностика ва хирургик тактиканинг таклиф этилган алгоритмларига қарамай, бу касалликда болаларнинг ўлим кўрсаткичи анчагина юқори бўлиб, айрим муаллифлар фикрича 20-30%ни ташкил қилади (Church J.T. [5], López J.J. [6], Dibble E.H. [7]). Hernandez M.C. [8] бошчилигидаги тадқиқотчилар томонидан исботландики, «тарқоқ йирингли перитонит туфайли бажарилган амалиётдан 6-12 соат сўнг қорин бўшлиғида кўплаб диффуз битишмалар ҳосил бўлади. Бундан ташқари, 80% ҳолларда амалиётдан кейинги биринчи куниёқ дренаж найчалар бўшлиғи тўлиқ ёпилиб қолади». Қорин бўшлиғидан диализат чиқишининг бузилиши инфекциянинг диссеминациясигагина эмас, таранг гидроперитонеум ривожланиши ва у билан боғлиқ бўлган циркулятор бузилишларга сабаб бўлади, бундан ташқари интенсив оқимли диализ ҳолатида оқсил ва электролитларнинг кўп йўқотилиши юзага келади, натижада сув-электролитлар бузилиши кучаяди ва тўқималар

---

[1] Love B.E., Camelo M. Ultrasound accuracy in diagnosing appendicitis in obese pediatric patients. // Am Surg. 2017 83(10):1063-1067

[2] Elgharbawy F., Salameh K. Pediatric case of acute right-sided abdominal pain: diagnosis is not always appendicitis // Pediatric Health Med Ther. 2017 Jun 8;8:69-71.

[3] Sola R.Jr., Wormer B.A., Anderson W.E. Predictors and Outcomes of Nondiagnostic Ultrasound for Acute Appendicitis in Children//Am Surg. 2017 Dec 1;83(12):1357-1362

[4] Aydin D., Turan C., Yurtseven A., Bayindir P. Integration of radiology and clinical score in pediatric appendicitis//Pediatr Int. 2018 Feb;60(2):173-178.

[5] Church J.T., Klein E.J. Early appendectomy reduces costs in children with perforated appendicitis// J Surg Res. 2017 Dec;220:119-124.

[6] López J., Cooper J.N., Albert B. Sarcopenia in children with perforated appendicitis// J Surg Res. 2017 Dec;220:1-5.

[7] Dibble E.H., Swenson D.W., Cartagena C., Baird G.L., Herliczek T.W. Effectiveness of a Staged US and Unenhanced MR Imaging Algorithm in the Diagnosis of Pediatric Appendicitis. // Radiology. 2018 Mar;286(3):1022-1029.

[8] Hernandez M.C., Polites S.F. Measuring Anatomic Severity in Pediatric Appendicitis: Validation of the American Association for the Surgery of Trauma Appendicitis Severity Grade. // J Pediatr. 2018 Jan;192:229-233.

гипергидратацияси ривожланишига олиб келиши мумкин (Marino N.E.[1]; Prada Arias M.[2]).

Адабиётлардаги маълумотларнинг ўтказилган таҳлили ўткир аппендицитни унинг йирингли асоратлари ривожлангунига қадар эрта ташхислаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек касалликнинг асоратланган шаклларини хирургик даволаш тактикасини танлаш муаммоси асосий долзарб ва аниқловчи масала эканлигидан дарак беради. Шу жумладан, қорин бўшлиғи санацияси ва дренажлашиннг оптимал усулларини ишлаб чиқиш, периоперацион интенсив даво баённомаларини такомиллаштириш масалалари ҳам аҳамиятли бўлиб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг «Болаларда хирургик касалликлар диагностикаси ва даволашни такомиллаштириш ва уларнинг асоратлари профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» (2012-2016 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тарқоқ аппендикуляр перитонит билан болаларни комплекс даволашга принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш йўли билан хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўткир аппендицит билан болаларни касалхонага кеч ётқизишнинг асосий сабабларини аниқлаш ва аҳволнинг оғирлиги, касаллик босқичи ва жараённинг тарқоқлиги жиҳатдан клиник характеристикани ўрганиш;

аппендикуляр перитонит тарқоқлиги ва ичак функционал ҳолатини ультратовуш ёрдамида баҳолаш мезонларини аниқлаш;

болаларда ТАП замонавий этиологик структурасини ва йирингли инфекция қўзғатувчиларининг антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш;

эндоген интоксикация ва яллиғланиш синдроми фаоллигини ҳамда ТАПда болаларда иммунореактивлик ҳолатини баҳолаш;

экспериментда перитонитда қорин парданинг характерли патоморфологик хусусиятларини ҳамда озон-кислород аралашмасининг тарқоқ йирингли перитонит ва битишмалар ҳосил бўлиш жараёнига таъсирини ўрганиш;

ТАП билан болаларни операциядан олдинги тайёрлаш ва периоперацион олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш;

ТАП билан болаларда қорин бўшлиғи санацияси ва дренажлаш усулини оптималлаштириш;

ТАПда болаларда ичак декомпрессияси усулини ишлаб чиқиш;

ТАП билан болаларни операциядан кейинги эрта ва кечки даврларда комплекс даволашга ишлаб чиқилган ёндашувларнинг клиник

---

[1] Marino N.E., Davenport K. Low Infection-Related Re-Admission Rates in a Retrospective of 4725 Children with Appendicitis Using a Clinical Pathway in a Tertiary Care Pediatric Center. // Surg Infect (Larchmt). 2017 Nov/Dec;18(8):894-903.

[2] Prada Arias M., Vázquez J.L., Salgado Barreira A. Appendicitis versus nonspecific acute abdominal pain: diagnostic accuracy of ultrasound. Cir Pediatr. 2017 Jul 20;30(3):146-151.

самарадорлигини, шу жумладан, ТАП ўтказган қиз болаларда репродуктив саломатлик ҳолатини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1990 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 2-клиникасида ТАП билан асоратланган аппендицитнинг деструктив шакллари туфайли амалиёт бажарилган 402 нафар болалар олинган. Экспериментал тадқиқотлар Вистар зотли иккала жинсга оид 41 та каламушларда перитонитни моделлаш йўли билан ўтказилган.

**Тадқиқотнинг предмети** қорин бўшлиғини морфологик текшириш, ТАП билан беморларнинг қон зардоби ва қорин бўшлиғи экссудати, жароҳат ажралмалари, париетал қорин парда, ичак тутқичи, битишмалар ҳосил бўлган соҳадаги ичак девори кесимлари натижаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги усуллар қўлланди: клиник, иснтрументал (динамик УТТ, рентгенография), биокимёвий, иммунологик, бактериологик, морфрлогик, статистик усуллар ҳамда перитонитни экспериментал моделлаш.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ТАП сонографик семиотикаси асосида хирургик даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини берувчи динамик УТТ усули ишлаб чиқилган;

болаларда ичак етишмовчилиги синдроми ривожланиши ва ТАП прогрессланишида систем яллиғланиш жавоб синдроми, оксидлаш стресси интенсивлиги, фагоцитоз ва иммунореактивликнинг бузилишининг аҳамияти аниқланган;

операциядан кейинги қорин ичи йирингли асоратларнинг эрта диагностикаси учун динамик УТТ билан комплексда информатив ҳисоблаш кўрсаткичлари (лейкоцитлар спонтан агломерацияси кўрсаткичи – ЛСАК ва нейтрофиллар ядро сегментацияси индекси – НЯСИ) ишлаб чиқилган;

қорин бўшлиғи санацияси, озонлаш ва дренажлаш билан бирга ичак декомпрессиясининг турли вариантларини ўз ичига олган болаларда ТАПни комплекс хирургик даволаш усули ишлаб чиқилган;

ТАП билан болаларда ичак декомпрессиясида кўричак гумбазини кетиб қолиши ва кейинги асоратлар ривожланишининг олдини олиш учун уни қориннинг олд деворига вақтинчалик фиксация усули ишлаб чиқилган;

экспериментда тарқоқ йирингли перитонит кечиши ва битишмалар ҳосил бўлиш жараёнига озон-кислород аралашмасини қўллаш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий** натижалари қуйидагилардан иборат:

динамик УТТ натижаларига кўра патологик жараён тарқоқлиги, ичак моторикаси бузилиш даражасини аниқлаш мумкинлиги исботланган ҳамда операциядан кейинги асоратлар сонографик семиотикаси таклиф этилган;

яллиғланиш ва эндотоксикоз биокимёвий маркерлари мониторингини ҳисобга олган ҳолда болаларда ТАПда операциядан олдинги тайёргарлик оптимал ҳажми ва давомийлиги (8-12 соатдан кам эмас) аниқланган;

болаларда ТАПда йирингли асоратлар сони ва касалхона ичи инфекцияси частотасини қисқартириш имконини берган комплекс хирургик тактика ишлаб чиқилган;

болаларда ТАПда ўзининг камшикастлиги, техник жиҳатдан бажарилиши соддалиги, эндоген интоксикацияни тез бартараф қилиши, ичак перистальтикасининг тез тикланишига олиб келиши ва ичак стомаларини бартараф этиш учун қайта амалиётлар талаб қилмаслиги билан ажралиб турувчи ингичка ичак декомпрессиясининг янги усули таклиф этилган;

ТАП туфайли амалиёт бажарилган болаларда қорин ичи йирингли асоратларни прогнозлаш ва эрта ташхислашда диагностик самарадорликка га бўлган ЛСАК ва НЯСИ ҳисоблаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

ТАП билан болаларда ҳам махсус, ҳам умумий асоратлар частотаси, релапаротомиялар сони, касалхонада даволаниш муддати ва ўлим кўрсаткичларини ишончли қисқартириш имконини берувчи комплекс даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги болалар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий диагностика ва даволаш усуллари, методологик ёндашувларни тўғри қўллаш ва статистик таҳлил мажмуаси билан асоланган. Тадқиқотлар етарлича миқдордаги клиник ва экспериментал материалда ўтказилган. Статистик таҳлил ёрдамида олинган натижаларнинг ишончлилиги тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг олинган натижалари болалар хирургияси замонавий ютуқларига катта хисса қўшади. ТАП билан болаларда қорин бўшлиғи тўлақонли ревизияси ва санацияси учун авайловчи мушаклараро хирургик очиш йўлларини қўллашнинг мумкинлиги ва устунликлари исботланган. Операциядан кейинги қорин ичи йирингли асоратларнинг эрта диагностикаси учун динамик УТТ билан комплексда информатив ҳисоблаш кўрсаткичлари (ЛСАК ва НЯСИ) таклиф этилган. Болаларда ичак етишмовчилиги синдроми ривожланиши ва ТАП прогрессланишида систем яллиғланиш жавоб синдроми, оксидлаш стресси интенсивлиги, фагоцитоз ва иммунореактивликнинг бузилишининг аҳамияти аниқланган. Ишнинг айрим натижалари аппендицитнинг деструктив шакллари билан болалар диагностикаси ва хирургик даволаш бўйича магистрлар, клиник ординаторлар ва малака ошириш курсантларини ўқитиш дастурининг таркиби ва структурасини такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, болаларда ТАПда ингичка ичак декомпрессиясининг таклиф этилган усули ўзининг камшикастлиги, техник жиҳатдан бажарилиши соддалиги, эндоген интоксикацияни тез бартараф қилиши, ичак перистальтикасининг тез тикланишига олиб келиши ва ичак стомаларини бартараф этиш учун қайта амалиётлар талаб қилмаслиги билан ажралиб туради. ТАП билан болаларда ичак декомпрессиясида кўричак гумбазини кетиб қолиши ва кейинги асоратлар ривожланишининг олдини олиш учун уни қориннинг олд деворига

вақтинчалик фиксация ноёб усули таклиф этилган. ТАП билан болаларда ҳам махсус, ҳам умумий асоратлар частотаси, релапаротомиялар сони, касалхонада даволаниш муддати ва ўлим кўрсаткичларини ишончли қисқартириш имконини берувчи комплекс даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тарқоқ аппендикуляр перитонит билан болалар диагностикаси ва хирургик даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган «Болаларда ингичка ичак декомпрессияси усули» учун га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 5987-сон патент, 1999 йил). Таклиф этилган усулни қўллаш болаларни даволашнинг узоқ муддатли натижаларини яхшилаш, операциядан кейинги асоратлар частотасини қисқартириш имконини берган;

ишлаб чиқилган «Болаларда цекоэнтеростомия қўйиш усули» учун га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 5988-сон патент, 1999 йил). Таклиф этилган усул беморларни хирургик даволаш сифатини 65%дан 78%гача яхшилаш имконини берган;

ишлаб чиқилган «Болаларда ичак фаолиятини текшириш усули» учун га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 5989-сон патент, 1999 йил). Болаларда ичакнинг мотор-эвакуатор фаолиятини ультратовуш ёрдамида текширишнинг модификацияланган усули ичак найчаси бўйлаб таркибининг ўтиш тезлиги ва шаклини текширишни ўз ичига олиб, унда овқат моддаларнинг маятниксимон ҳаракати ўрганилган ва ичакнинг меъёрдаги функционал ҳолати аниқланган;

ишлаб чиқилган «Болаларда ичак стомасини қўйишда кўричакни вақтинча фиксация қилиш усули» учун га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 5992-сон патент, 1999 йил). Таклиф этилган усул қайта оператив аралашувни инкор қилиш, операция травмасини камайтириш ва йирингли-некротик жараён фонида цекостома ёки аппендикостомани қорин олд деворидан кетиб қолишининг олдини олиш ҳисобига операциядан кейинги асоратлар ривожланишининг олдини олиш имконини берган;

ишлаб чиқилган «Перитонит билан болаларда битишмали ичак тутилиши профилактикаси усули» учун га Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (IDP 05152-сон патент, 1999 йил). Таклиф этилган усул асоратлар ва релапаротомиялар частотасини камайтириш ҳисобига болаларда ТАПни даволаш натижаларини яхшилашга ёрдам берган;

ишлаб чиқилган «Болаларда операциядан кейинги абсцесслар эрта диагностика усули»га патент олинган (IDP 05125-сон патент, 1999 йил). Таклиф этилган усул операциядан кейинги эрта давр натижаларини яхшилаш, релапаротомиялар частотасини қисқартириш имконини берган.

«Болаларда тарқоқ аппендикуляр перитонит диагностикаси ва хирургик даволаш хусусиятлари» ва «Қиз болаларда ўтказилган перитонит асоратлари диагностикаси» услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 февралдаги 8н-д/20-сон

маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар ТАП билан болаларда диагностик дастурни оптималлаштириш, беморларнинг энг мураккаб гуруҳини аниқлаш ва даволашнинг комплекс тактикасини танлаш, объектив мезонларини аниқлаш имконини берган;

тарқоқ аппендикуляр перитонит билан болалар диагностикаси ва хирургик даволаш натижаларини яхшилашга оид илмий таклиф ва тавсиялар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд ва Бухоро филиалларига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 02 февралдаги 8н-д/20-сон маълумотномаси) фойдаланилган. ТАП билан болаларни даволашга таклиф этилган комлекс ёндашувни қўллаш жароҳат асоратлари частотасини 11,8%, қорин бўшлиғи абсцессларини 3,3%, давом этувчи перитонитни 4,6%, эрта битишмали ичак тутилишини 4,9%, релапаротомияларни 2,3 баробар ва операциядан кейинги ўлим кўрсаткичини 13,8% дан 1,1% гача камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 10 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 61 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 15 та мақола, улардан 8 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг хажми 200 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги баён қилинган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болаларда тарқоқ аппендикуляр перитонит диагностикаси ва хирургик даволаш масалаларининг замонавий ҳолати»**, деб номланган биринчи бобида болаларда аппендикуляр перитонит этиологияси ва патогенезига бағишланган адабиётлар шарҳи берилган бўлиб, хирургик даволаш муаммоси яққол ажратиб кўрсатилган, классификация тақдим этилган, диагностика ва даволаш усуллари, узоқ муддатдаги натижалар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва қўлланган текширув усуллари тавсифи»**, деб номланган иккинчи бобида тарқоқ аппендикуляр

перитонит билан 402 нафар болаларда ўтказилган клиник, инструментал, лаборатор текширув натижалари ва даволаш чора-тадбирлари акс эттирилган. Назорат гуруҳини бўшлиқсиз режали амалиётлар (циркумцизия, чурра кесиш) учун касалхонага ётқизилган 40 нафар бола ташкил этган. Тадқиқотлар Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 2-клиникасида 1990 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда ўтказилган. 1998 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда даволанган 264 нафар (65,7%) болалар асосий гуруҳни ташкил этган. Таққослов гуруҳига 1990 йилдан 1997 йилгача бўлган даврда анъанавий даволанган 138 нафар (34,3%) болалар киритилган. Аппендикуляр перитонит тарқоқлиги бўйича тақсимланганида Б.Д. Савчук (1970й.) классификациясидан фойдаланилди. Тадқиқотга касалликнинг тарқоқ шакллари бўлган болалар киритилган: диффуз шакли – асосий гуруҳдаги 134 та (50,8%) ва таққослов гуруҳидаги 73 та (52,9%) болаларда; тарқалган перитонит – асосий гуруҳдаги 130 та (49,2%) ва таққослов гуруҳидаги 65 та (47,1%) болаларда аниқланди (1-жадвал).

Алоҳида таъкидлаш лозимки, беморларнинг таҳминан ¼ қисмига, яъни аосий гуруҳдаги 70 та (26,5%) ва таққослов гуруҳидаги 32 тасига (23,2%) перитонитнинг терминал, яъни ўлим кўрсаткичи нисбатан юқори бўлиши кутиладиган босқичида амалиёт бажарилган. Беморларнинг асосий қисми – 90,5% касаллик (хуруж) бошланганидан 1-7 кунларда мурожаат қилишган.

**1-жадвал**

**Беморлар гуруҳларининг жинси, касаллик шакли, тарқоқлиги ва босқичи бўйича тавсифи**

| Кўрсаткич | Асосий гуруҳ, n=264 | | Таққослов гуруҳи, n=138 | | $\chi^2$-тест |
|---|---|---|---|---|---|
| | абс. | % | абс. | % | |
| Жинси | | | | | $\chi^2$ = 0.383 df = 1; p = 0.536 |
| ўғил болалар | 160 | 60,6 | 88 | 63,8 | |
| қиз болалар | 104 | 39,4 | 50 | 36,2 | |
| Аппендицит шакли | | | | | $\chi^2$ = 3.423 df = 2 p = 0.181 |
| флегмоноз | 6 | 2,3 | 3 | 2,2 | |
| гангреноз | 24 | 9,1 | 21 | 15,2 | |
| перфоратив | 234 | 88,6 | 114 | 82,6 | |
| Перитонит тарқоқлиги | | | | | $\chi^2$ = 0.166 df = 1 p = 0.684 |
| диффуз | 134 | 50,8 | 73 | 52,9 | |
| тарқалган | 130 | 49,2 | 65 | 47,1 | |
| Перитонит босқичи | | | | | $\chi^2$ = 1.106 df = 2 p = 0.576 |
| реактив | 101 | 38,3 | 60 | 43,5 | |
| токсик | 93 | 35,2 | 46 | 33,3 | |
| терминал | 70 | 26,5 | 32 | 23,2 | |

Қорин бўшлиғи озонотерапияси ОТРИ-01 (Россия) аппарати ёрдамида 5-8 мг/л/дақ концентрацияли озон бўлган озон-кислородли аралашма билан пуфлаш йўли билан амалга оширилди. Вена ичига юбориш учун озонланган

эритмаларни дорихона натрий хлоридининг 0,9%ли физиологик эритмасини 10 дақиқа давомида озон-кислородли аралашма билан барботирлаш йўли билан олинди. Операциядан кейинги даврда ҳудди шундай эритмалар билан аппендико- ёки цекоэнтеростома орқали ичак бўшлиғи ҳам ювилди.

Диссертациянинг **«Болаларда тарқоқ аппендикуляр перитонит клиник кечиш хусусиятлари ва диагностикаси»**, деб номланган учинчи бобида клиник-инструментал текширувлар натижаларининг таҳлили ва баҳолаш ўтказилган. Бизнинг кузатувларимизга кўра, ТАП хуруж бошланганидан 1 кеча-кундуз ўтганидан кейингина ривожланиши мумкин. Тарқалган перитонит учраган барча беморларимиз қориндаги оғриқлар бошланганидан иккинчи ва ундан кейинги кунлари касалхонага ётқизилган. Бунда, касалхонага ётқизилган кун ва перитонитнинг тарқоқлиги ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик ($R^2$ = 0,9512) кузатилди. Шундай қилиб, беморларнинг ярмидан кўпроғи – 213 та (53,0%) бола касалликнинг 2-3-кунлари касалхога мурожаат қилган, уларнинг деярли барчасида (93,4%) диффуз перитонит аниқланган; 3-кундан кейинроқ касалхонага мурожаат қилган болалардан абсолют кўпчилигида, яъни 189 тадан 181 тасида (95,8%) тарқалган перитонит кузатилди; бунда касалхонага мурожаат қилиш муддати билан перитонитнинг тарқоқлиги ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик кузатилди (чизиқли корреляция коэффициенти $R^2$=0,7659). Касалликнинг реактив босқичдан терминал босқичга қараб жадаллашиб боргани сари тарқалган жараён билан беморлар улуши ҳам ортиб борди – 6.2% дан 100% гача, бунда диффуз перитонит бўлган беморлар улуши камайиб борган – 93,8% дан 0% гача ($R^2$=0,9934). ТАПда диагностик муолажалар мажмуаси қорин бўшлиғи динамик УТТ билан тўлдирилди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**ТАП турли шакллари дифференциал-диагностик ультратовуш белгилари**

| УТ белгиси | Перитонит шакли | |
|---|---|---|
| | Диффуз | Тарқалган |
| Ичак қовузлоқлари | Ўртача чўзилган, суюқ таркиби пневматизациядан устун | Суюқ таркиби ва якка газ пуфакчалари ёки уларсиз кескин чўзилган |
| Химус ҳаракати | Суст, илгариланма | Суст, маятниксимон |
| Ичак перистальтикаси | Кам | Йўқ |
| Эркин суюқлик тўпланиш соҳалари | Қовузлоқлараро бўшлиқлар, ўнг латерал канал, ўнг ёнбош ва кичик чаноқ соҳаларида | Қорин бўшлиғининг барча соҳаларида кўплаб суюқлик |

Ушбу статистикага Самарқанд давлат тиббиёт институтининг иккинчи клиникасига қорин бўшлиғи аъзоларининг йирингли-деструктив касалликларининг асоратланган шакллари билан болалар Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарьё ва Сурхондарьё вилоятларини ўз ичига олган Зарафшон водийсининг кенг минтақасидан келиб тушганлиги сезиларли таъсир кўрсатганлиги яна бир муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, ТАП туфайли операция бажарилган 402 бемордан фақатгина 30,1% Самарқанд шаҳридан, қолган барчаси эса вилоят туманлари ва қўшни минтақалардан келганлар.

Диффуз перитонит учун қуйидаги эхографик белгилар хос бўлган: ичак қовузлоқлари ўртача чўзилган, таркибида суюқлик газга нисбатан кўпроқ, химуснинг ҳаракати суст, илгариланма, перистальтик ҳаракатлар кам, эркин суюқлик асосан қовузлоқлараро соҳалар, ўнг латерал канал, ўнг ёнбош ва кичик чаноқ соҳаларида аниқланади (1-расм).

**1-расм. УТТ. Ўткир деструктив аппендицит, диффуз перитонит**

Тарқалган перитонит бўлган беморларда қорин бўшлиғининг барча соҳаларида таркибидаги суюқлик ва якка газ пуфакчалари ёки уларсиз чўзилиб кетган ичак қовузлоқлари кўринади, химуснинг ҳаракати суст маятниксимон ёки умуман йўқ, қорин бўшлиғининг барча бўлимларида кўп миқдорда эркин суюқлик аниқланади (2-расм).



**2-расм. УТТ. Ўткир деструктив аппендицит. Тарқалган перитонит**

Операциядан олдинги УТТ хулосасини операция вақтидаги қорин бўшлиғи ревизияси натижалари билан таққослаш диффуз перитонитни тарқалганидан ажратишда сонографиянинг умумий аниқлиги 90,9% эканлигини аниқлади (240 та болада, шу жумладан, тарқалган перитонит бўлган 226 та болада – ишончли ижобий натижа ва диффуз перитонит кузатилган 14 та беморда – ишончли салбий натижа). Қолган 24 та (9,1%) беморда жараён тарқалганлигининг ҳато белгиланиши гипердиагностика (21 та бола) сифатида баҳоланди, бунда диффуз перитонит тарқалган сифатида қабул қилинган ёки 3 та болада диффуз перитонит, деб баҳоланган ҳолатда операция вақтида тарқалган перитонит аниқланган (сохта салбий натижа) ва бу ҳолат усулни ишлаб чиқишнинг дастлабки даврига тўғри келган.

Периферик қон кўрсаткичлари таҳлилида назорат гуруҳига нисбатан лейкоцитлар сонининг 41,1%га кескин ортиши, ллейкоцитлар формуласининг чапга силжиши аниқланди, бундан ташқари қон суртмаларида лейкоцитлар агломерацияси сонининг (ЛСАК) ортиши кузатилди (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Тарқоқ аппендикуляр перитонит билан болаларда лейкоцитоз ва лейкоцитар индекс кўрсаткичлари**

| Кўрсаткич | Назорат гуруҳи, n=40 | Диффуз перитонит, n=134 | Тарқалган перитонит, n=130 |
|---|---|---|---|
| Лейкоцитлар, $\times 10^9$/л | 5,36±0,21 | 9,42±0,21* | 12,23±0,11*, ** |
| Таёқча ядроли | 2,45±0,06 | 4,52± 0,02* | 6,51±0,03 *, ** |
| Сегмент ядроли | 56,1±1,7 | 59,3± 0,9 | 62,0±0,2* |
| Эозинофиллар, % | 3,40±0,08 | 3,61± 0,02 | 1,50±0,03*,** |
| Лимфоцитлар, % | 35,41±0,19 | 31,11± 0,03* | 23,31±0,27*,** |
| Моноцитлар, % | 2,83±0,07 | 3,23± 0,01 | 6,72±0,11*,** |
| ИЛИ | 0,28±0,04 | 3,20±0,01* | 5,60±0,02*,** |
| ЛСАК | 3,7±0,1 | 11,5±0,2* | 18,4±0,2*,** |
| НЯСИ | 2,60±0,03 | 2,28±0,01 | 2,30±0,01 |
| ЭЧТ, мм/с | 7,8±0,2 | 11,4±0,5 | 17,8±0,6* |

Изоҳ: * - назоратга нисбатан ишончли, P<0,05, ** - диффуз перитонит билан гуруҳга нисбатан ишончли ** - P<0,05

ТАП билан болаларда лейкоформула ва лейкоцитлар морфологиясида аниқланган ўзгаришлар билан бирга прояллиғланиш цитокинларининг ҳам ортиши билан бирга кузатилди. Перитонитнинг тарқоқлигидан қатъий назар, IL-1β миқдори 2,4-2,5 баробар ортади, TNF-α эса 3,6-3,7 баробар кўпаяди, бу эса организм ҳимоя кучларининг сезиларли таранглашви ва систем яллиғланиш жавоб синдроми кучли ифодаланишини англатади. ТАП бактериал эндо- ва экзотоксинларнинг ва турли яллиғланиш медиаторларининг таъсирида жараён генерализациясининг тезлиги биллан тавсифланишини эътиборга олган ҳолда ТАП жадаллашувида етакчи аҳамиятга эга бўлган эндоген интоксикация синдроми ривожланишига қўган ҳиссасини аниқлаш мақсадида яллиғланиш ва эндотоксикознинг қатор биокимёвий маркерлари ўрганиб чиқилди. ТАПда жараённинг тарқалганлигидан қатъий назар, биомолекулаларнинг деградацияси жараёнларининг анчагина фаоллашуви кузатилади ва натижада антиоксидант системаси ферментатив звеносининг сустлашуви – супероксиддисмутаза (СОД) фаоллигининг назоратга нисбатан 2,5 баробар, каталаза фаоллигининг эса 1,8 баробар камайиши фонида малон диальдегиди (МДА) ва ўртача молекуляр кўрсаткичнинг (ЎМК) деярли икки баробар ортиши билан кечиши аниқланди.

Гемостаз кўрсаткичлари: фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ), протромбин вақти (ПВ) ва фибриноген миқдорлари диффуз ва

тарқалган перитонит билан гуруҳларда ишончли фарқланиши кузатилмади, тромбоцитлар сони эса тарқалган перитонит бўлган болаларда ишончли паст эди.

